# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1997 йил, 23 декабр | 48 (129)-сон


## БИЗГА ИККИЛАНИШ ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ

*Ислом Каримов Оқмулани қутлагани ва унга файзу барака тилагани йўл оларкан, худди шу фикрни айтди: БИЗГА КАТТА МАҚСАДЛАР РЎБАРЎСИДА ИККИЛАНИШГА ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ.*

**Бу фикр ёдимда қолди ва сўнг яқинда матбуотда конлар, уларнинг келажаги, Американинг йирик олтинтопарлари билан биргалик ҳамда ҳамжиҳатликда эски конларнинг тамомила қайтадан энг замонавий усулларда таъмирланаётгани ва шундай ҳамжиҳатликдаги ишлардан бири боис конлардан биридан чиқиндилардан қўшимча йилига икки тонна соф олтин олиниши тўғрисида ўқиган чоғимда Ислом Каримовнинг давлатимизнинг туб миллий манфаатларига тўла дахлдор ўша фикри эсимга тушди.**

**Сўнгра Хадра меъморий худудлари, унга ёндош ва унга тугал уйғун ҳамда мутаносиб Олий Мажлисимизнинг янги муҳташам саройини Ислом Каримов кўздан кечириб, равшан, маънодор, узоқ-узоқларнинг файзу шукуҳларига йўл очадиган мулоҳазалари билан ўртоқлашганда, ўша фикрнинг яна ўзга бир теран замири очилгандай бўлди.**

**Мен фикрни уловга ўхшатаман.**

**Янги фикр асов уловнинг худди ўзи. Асов уловни пойгага олиб чиқиш учун аввал уни бўйсундириш, уни ўрганиш, унинг кўтариб уриш каби аччиқ кутилмаган ситамларига дош бериш керак. Асов улов пойгада енгиб чиқиши учун эса моҳир чавандоз бўлмоқ даркор.**

**Мен сиздан фикрингизнинг улови борми деб сўрайман. Сиз ҳайрон бўласиз. Фикрда улов нима қилади деб? Уловсиз фикрлар ҳам оламда ва одам бошида сонсиз-саноқсиз.**

**Ҳаётда бирор бир нарсага айланмаган, одамлар, мамлакатлар, миллатларнинг равнақига бирор бир фойда келтирмаган фикрларни уловсиз фикр дегим келади. Хомхаёлларни уловсиз дегим келади. Хомхаёллар кетидан эргашиб умрни елга берганларни уловсиз деса бўлади.**

**Рўёбга чиқмаган фикр, амалий натижа топмаган фикр-уловсиз фикрнинг ўзидир.**

**Конлардан бири Америка технологияси билан иш юритиб йилига Ўзбекистонга қўшимча икки тонна соф олтин беради, деган жумлада ҳали фикр йўқ. Бу шу куннинг жуда ёрқин эътиборга сазовор бир маълумоти холос.**

**Лекин биз бу қўшимча икки тонна олтин нимага айланади? — деб ўз олдимизга савол қўйсак, шунда фикр ҳосил бўлади. Шунда Олий Мажлисимизнинг янги саройини ҳайрат ичра томоша қилиб, фикр улуғ ва муҳташам амалга айланганлигини залворли тарзда ҳис қиласиз. Чолдеворлар, казармасимон «социалистик камсуқум» бинолар ўрнида замонавий кўркам пойтахт қад ростлаб келаётганлигининг миқёсларини англашга интиласиз.**

**Мен ҳеч қачон олтинларни чамалаган эмасман.**

**Лекин ҳалиги икки тонна қўшимча олтин тўғрисидаги маълумотни ўқиб менда чамалагич хаёл уйғонди.**

**Икки тонна қўшимча олтиндан мабодо Ойга нарвон ясаб кўтарилса бўлар дейман. Ойнинг озгина фусункор сирларидан Ўзбекистонга ҳам, ўзбекларнинг хонадонларига ҳам бир чимдимгина олиб тушса бўлармикин дейман... Ҳали қанчадан қанча тарихий**



**Хадраларимиз энг соз тарзда қайта бунёд бўлади дейман бу каби икки тонна қўшимча олтинларидан...**

**Ҳали қанчадан қанча академиялар яратилади. Қанчадан қанча калласи оламга сиғмас имом бухорийлар дунёга келади. Ҳали қанчадан қанча қашшоқликлар чекинади, қанчалаб қалтироқликлар бартараф бўлади, қанчадан қанча қўрқоқликлар, нўноқликлар, ношудликлар, нобакорликлар бартараф бўлади, даф бўлади ўша қўшимча икки тонна олтинлардан.**

**Қўшимча икки тонна олтин.**

**Қарамликда ўсган бир ўзбек боласиман. Менинг бунинг қанчалиги ва нималигига ақлим, фантазиям етмайди. Неча авлод ўзбеклар олтин санашни эсларидан чиқариб юбордилар. Хорижларга борсак, ибодатхоналарнинг олтин хочларию олтин қуббаларию олтин безакларию олтин равоқларига бунча олтин деб ёқамизни ушлардик. Ўзга миллатларнинг олдида, улар қудрати рўпарасида бўйнимизни эгиб турардик. Олтинларини йўқотган халқ, ўз қудратини ҳам бой беришини энди англадик.**

**Қўшимча икки тонна олтин...**

**Бизни дадил, оқил, кордон бўлишга тинимсиз ундаётган Президент...**

**Келажак ва бугун...**

**Турли ташқи кучларга ўйин бўлиб қолиш хавфи йўқ эмас, дейди яна ўйчан фикрларини давом эттириб Ислом Каримов. — Улар бизни бир-биримизни қарама-қарши қўйишни жуда ҳам истар эдилар...**

**Фикрлар уловлари... зўр қудрат касб этаётган уловлар.**

**Ҳаёт ва тараққиёт пойгасига шошилаётган уловлар...**

**Улар ақл марваридларига айланмайдиларми?**

**Ақл марваридларидан нуроний бахтга тўлган ҳаёт бунёд бўлмайдими?**

**Ислом Каримов иккиланишни бекор тилга олди дейсизми?**

**Эски фикр уловларида юрганлар, надомат устига надомат қилаётганлар озми атрофимизда?**

**Бензин беш тийин эди, ортиб қолган энг аъло нав бензинларни сув бўйларида шағаллар устига тўкар эдилар деган гаплар тамом меъдамга тегди.**

**Нечун бу иккиланишлар?**

**Нечун бу бош-кети кўринмас надоматлар?**

**Сиз ўзингизнинг энг буюк орзуйингизга етмадингизми?**

**Мен ўзимнинг энг буюкдан буюк орзуйимга етмадимми?**

**У, УЛАР ўзларининг энг буюк орзуларига етмадиларми?**

**Биз чин мустақилликка чиқмадикми?**

**Катта ўйин бўлиб юрган замонларни ким соғиниши мумкин?**

**Яна ўйин бўлишни соғиниш кимга ярашади?**

**Қўшимча икки тонна олтин... шундай буюк заҳира узра, хазина узра туришни жаноби Ҳақнинг ўзи муяссар қилган инсонлар катта миллий мақсадларни унутиб иккиланиб ўтирсалар, ўтмишга ҳавас қилсалар, ақлдан бўлурми?**

**Икки тонна қўшимча олтин...**

**Не-не курашлар, ўзгаришлар билан ўтиб бораётган 97-йил адоғида, не-не умидлар ваъда қилаётган 98-йил арафасида бу маълумот мен учун энг азиз мукофот бўлди.**

**У боис мен Ўзбекистоннинг нима устида, қандай заминда турганлигини билдим. У боис эндиликда Ўзбекистонга жўнлик, сийқаллик, саёзлик ҳеч қачон ярашмаслигини, ақлимиз бу увадалардан бутунлай халос бўлиб, янги ҳаёт учун тозаришига комил ишонч туйдим.**

**Иброҳим ҒАФУРОВ**

---

**Кеча Россия бош Вазири Виктор Черномирдин расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.**

**Бу ташриф Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро тенг, самимий, дўстона ҳамкорликларнинг янги саҳифасини очади.**

---

*«ЭНГ АЗИЗ, ЭНГ УЛУҒ» танловига*

## ЎЗИНГНИ ЖАМЛАСАНГ, ЛАШКАРСАН



Озодлик ҳасратида қурбон бўлган Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг «Халқ тўлқиндир, халқ денгиздир, халқ кучдир» деган ўтли сатрини бугун ҳаммамиз биламиз. Аммо яна бир ҳақиқатни ҳам биламизки, халқ ўз-ўзича куч бўла олмайди. Уни бирлаштирувчи, мақсадга йўналтирувчи, ўз қудрати имкониятларига ишонч уйғотувчи бошчи бўлсагина, халқда халқлик белгилари намоён бўла бошлайди. Тарихнинг ҳаммамизга маълум, машҳур саҳифаларини ёдга олайлик: Чингизхон аждодларимиз яшаётган тупроққа бостириб кирганда, ўз билдигича ҳукму сиёсат юргизганда гоҳ исён қилиб, гоҳ қилмай бўйсунган ҳам шу туркий халқ эди. То Соҳибқирон бобомиз тарих саҳнасига чиққунча уларнинг қаршиликлари тарқоқ, исёнлари кучсиз бўлди. Ҳазрати Амир Темур мулки Туронни биру бор этмоқ учун бел боғлагач, халқ халққа ўхшади, кучланди босқинчиликларга қарши, савашга кирди, енгди. Демак, қайсидир эл-улуснинг фаровон, тўқ яшаётгани, яна қай бирининг ками, кемтиклигида юртбошисининг шахси муҳим ўрин тутади. Юз йиллар давом этган истибдод занжиридан озод бўлган Ўзбекистоннинг жуда қисқа фурсатда оёққа тургани, жаҳон назарига тушгани республикамиз Президентининг ўзбекона босиқлик, шарқона теранлик, туркиёна жанговарлик билан олиб бораётган сиёсати туфайли эканлигини бугун чуқур ҳис этиб турибмиз. Айнан шундай яхшиликдан умидворлиги учун отахон, онахонларимиз дастурхон устида адолатли, фуқаропарвар йўлбошчи учун дуога қўл очадилар.

Раҳима Ҳакимова Самарқанд туманига ҳоким бўлгунча, ҳам турли-туман раҳбарлик лавозимларида ишлаган ва ҳеч қачон халқ назаридан қолмаган эди. Шу ўринда кичкина бир изоҳ бергимиз келади. Миллатимиз ғоят қадрланган инсонларини «опа», «ота», дея эъзозлайдилар. Бу сийлов — оддий одамлар сийлови, фармонларсиз, кўкрак нишонларисиз, анжуману нутқларсиз бериладиган сийлов.

Раҳимахон ҳам Самарқанд теваракларида «опа» деб ардоқланади.

Раҳимахоннинг ёдида машҳур авар шоирининг сатрлари айланаверади: «Одамлар, одамлар, юксак юлдузлар».

**Давоми иккинчи бетда**

---

## ЯНГИ ДУНЁ МУСИҚАСИ

### ПРОМЕНАД-КОНЦЕРТ ТААССУРОТИ

Кўнглим ёрқин бир музикага ташна эди. Шундай ташналик вақт-бевақт кўп таъқиб этади мени. Шундай паллалардан бирида дўстим Ҳамид Шамсуддинов Навоий театрига таклиф этди.

— Келинг. Музика диёрларига бир саёҳатимиз бор.

Сиз ҳам унда иштирок этинг. Кутамиз...

Не замон бўлди Навоий театрига йўлим тушмаганига. Ахир умр иш-ташвиш, рўзғор икир-чикирларидангина иборат эмаску! Ўзимни ўзим хўп уялтирдим. Машинкада ишим ҳам ҳадеганда юришмай, сўзлар тихирлик қилиб, ёмон хит бало эта бошлаган эди одамни. Ёзув машинкамни йиғиштирдиму Ҳамиджон ҳузурига йўл олдим.

Театрга барвақтроқ етиб, у ердаги афишаларни кўздан кечирдим. Аҳа! мана, «Променад-концерт. Антонин Дворжак. 9-симфония ёки Янги дунёдан хабар. Александр Бородин. Княз Игор операсидан парчалар «Қипчоқлар қароргоҳи».

Бош дирижёр Ўзбекистон халқ артисти Ҳамид Шамсуддинов...»

Мен «променад» деган сўздан бохабар эдим. «Қиморбоз»да бу сўзга дуч келганман. Сайр, саёҳат дегани... «Променад-концерт бу — катта музиканинг кутилмаган оламларига саёҳати...»

Саҳна тўла машшоқлар. Уларнинг чеҳралари электр шуълаларида пағаланиб юмшоқ нурланади. Аста-аста машқ қиладилар, асбобларини авайлаб синаб кўрадилар. Хаёлларини жамлайдилар. Буни уларнинг шоён диққатларидан, юз ифодаларидаги жиддиятлан ўқиш мумкин. Ниҳоят ҳамма ўз ўрнини эгаллади. Шайлик поёнига етди.

Кўркам ҳаракатлар билан саҳна чеккасида шу концерт тақдимотчиси Андрей Слоним пайдо бўлди. Тиниқ, мазмундор, лўнда сўзлар билан дастурнинг мазмуни, улуғ композиторлар ижодининг чўнг қирралари билан ошно этди. Сўнг шамолдек илдам елиб саҳнага Ҳамид Шамсуддинов чиқди. Ажиб бир қушдек парвоз этиб ўз дирижёрлик супачасидан ўрин олди. Эгилиб таъзим қилди. Қўлларини маънодор кўтарди ва... ақл бовар қилмас фусункор парвоз бошланди.

Мен Дворжак ва Бородин асарларидан парчаларни радиодан кўп эшитганман. Лекин яхлит ҳолда бевосита энди билишим. Бу оҳанглар лол қилади. Ўзига эргаштириб сизни ўзга сеҳрли дунёлар сари учириб олиб кетади. Дворжак бу гўзал симфониясини Америкага борганда, ҳайрат бармоғини тишлаб ёзган ва уни Америка ҳиндулари, Америка негрлари мусиқалари, оҳанглари, янги Америка музикаси илҳомларига қўшиб яратган экан ва бир чехнинг ўз мафтункор диёрига соғинчларини тўла ифодалаган экан... Дам йиғлайди, дам денгиздай ўкиради, дам нозли малак каби бағрингизда фасиҳ сўзлар айтади, дам шиддатли жанглар, янги ерларни ўзлаштиришлардан ҳикоя қилади ва бу музика... Бородин эса Қипчоқ, — Рус аламангез воқеаларини мардона садолар тилида жонлантиради. Моҳир симфоник оркестрлар, Қўрқмас Муҳиддинов, Олга Александрова, Юрий Жданов, Шоҳида Тўхтабоева...

Қудрат узра қудрат...

Икки соат... икки океан ўртасидаги музика... икки соат ўзни унутиш ва музика дунёсига ғарқ бўлиш...

Толиққанларим ёдимдан чиқди. Руҳим музиканинг фусункор зарбларида қанотлангандай эди.

Азиз ватандошларим, дегим келди, шу тобда, Навоий театрига, ундаги Қўрқмас, Ҳамид, Муяссар, Олга, Юрий, Слоним каби оламоро санъаткорларингизга бепарво бўлманг, Германиядан келган жаноб Шрайбер уларга мафтун бўлиб, улар санъатидан эриб кетгандай ўтирибди. Биз-чи, биз четда қоламизми?

Санъат бепоён ва унинг тили ҳамма инсонлар учун тушунарли, яқин, илҳомбахш. Бу бепоён денгизлар фақат Европага эмас, бизга ҳам керак.

**Ўз мухбиримиз**

---

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНСА...

**«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамада**

Сирасини айтганда, ушбу қонун лойиҳаси оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги аввалги қонуний ҳужжатларга нисбатан анча ижобий хусусиятларга эга. Муҳокама доирасида айрим мулоҳазаларим билан ўртоқлашсам 2-модданинг 3-бандини олайлик. Унда дастлаб «Оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар» дейилади. Сўнгра «...ҳамда ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар», деган огоҳлантириш келади. Лекин бу жавобгарлик айнан қандай ҳолатларда қўлланилиши аниқ айтилмайди. Менимча, аввало бу жумлани 2-моддадан олиб ташлаш, сўнгра «Оммавий ахборот воситалари ўзлари эълон қилган ахборотни бузсалар ёки нотўғри талқин этсалар, белгиланган тартибда жавобгар бўладилар» мазмунида таҳрир қилиб, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик» деб номланган 26-моддага алоҳида банд сифатида киритиш ўринлидир. Бу — биринчидан. Иккинчидан, 26-модданинг 2-бандида ниҳоясига етмаганроқ қуйидаги жумлани ўқиймиз: «Муҳаррир (бош муҳаррир), шунингдек, журналист оммавий ахборот воситасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган материалларни тарқатганлик учун, агар маълумотлар: расмий хабарлардан олинган бўлса: ахборот агентликлари ёки давлат органларининг матбуот хизмати орқали олинган бўлса, ёхуд муаллифнинг олдиндан ёзиб олинмай, тўғридан-тўғри эфирга берилаётган нутқларида айтилган бўлса, жавобгар бўлмайдилар». Хўп, бундай ҳолларда журналистнинг жавобгарликдан холи бўлгани маъқул. Лекин ўша — юқорида қайд этилган манбалардан олинган маълумотлар мабодо ҳақиқатга тўғри келмаса-ю, матбуотда эълон қилингач, оммани чалғитса, оқибати нима бўлади? Жавобгарлик масъулияти пировардида кимнинг зиммасига тушади? Чамамда, бу масалага ойдинлик киритиш шарт. Бояги жумладан сўнг «Бунинг учун биринчи навбатда нотўғри, ҳақиқатга тўғри келмайдиган расмий хабарларни ва материалларни берган ахборот агентликлари ёки давлат органларининг матбуот хизмати, ёхуд нутқи тўғридан-тўғри эфирга узатилган муаллиф жавобгар бўлади» деб битиб қўйилса, қонуннинг барчага баробарлиги таъминланади.

Булардан ташқари, мен тўртинчи модданинг иккинчи бандидаги фуқароларнинг розилигисиз уларнинг шахсий ҳаётига аралишишни ман этувчи жумлани «уларнинг шахсий ҳаётига асоссиз-далилсиз равишда аралашиш таъқиқланади» деб ўзгартиришни, «Прокурор ва терговчининг рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиш...», «муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёки суднинг қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга кирмай туриб, унга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиш таъқиқланади», 7-модданинг биринчи банди сўнггидаги «Текширув (таҳририят ходимининг текшируви — А. Х.) тергов ва суд жараёнига таъсир ўтказмаслиги керак» жумлаларини ҳам ортиқча деб ўйлайман. Негаки, улар бир томондан матбуот эркинлигини маълум даражада чеклаб қўйса, иккинчидан фақат қонун асосида иш юритиши лозим бўлган суд ва тергов органларини гўёки матбуот олдида ожиз қилиб қўяди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ, журналист**

---

## ЛОҚАЙДЛИККА ЎТ КЕТСИН

Уйим кўча муйилишида. Эшигим тагидан эрта тонгдан ишга, ўқишга, бозор-ўчарга ўтган одамнинг ҳисоби йўқ. Болалар эса шу йўлдан чапга қараб боғчага, ўнга қараб юрса мактабга боради. Булар ҳаммаси қўни-қўшниларимнинг боласи — маҳалладошларим. Уларнинг қандай одам бўлиб ўсиши менга барибир эмас. Бошқа оилалар ҳам, худди мен каби, эшиги тагидан ўтган бу болаларга бефарқ қарамайди. Болаларнинг юриш-туриши, оғзидан чиққан ҳар сўзидан катталар огоҳ.

Хўб хурсанд бўламиз: яхши болалар ўсяпти бизнинг «Катта Қозиробод» маҳалламизда. Ўтган йили маҳалламиз ҳудудидаги 138-ўрта мактаб битирувчилардан 80 фоизи институтларга ўқишга киришга муваффақ бўлди. Яхши авлод ўсаяпти. Бир нарсага борман: эшигимиз тагидан неча бола ўтса, албатта, саломни канда қилмайди. Ҳатто онаси аравачага ўтказиб боғчага олиб бораётган, ҳали тили чиқмаган гўдак ҳам катталарни кўрганда икки қўлини кўксига қўйиб, «Ачалом алайкум» дейди бош эгиб... Кўнглим осмон...

Яқинда маҳалламиздаги 138-мактабда «Маҳалла болалари» деган кеча ўтди. Маҳалламиз болаларининг қизиқишлари, оламни танишга ўчлигини ўшанда билдим, тасаввурим янгиланди. Булар бошқача одамлар бўлади.

Шу хаёлларга ғарқ бўлиб ишлаб ўтирарканман, кўча эшигимизнинг қўнғироғи жиринглади. Чиқсам, икки-уч аёллар... қўлларида иккита антиқа стакан кўтариб туришарди. Хол-аҳвол сўрашгач, елим стаканларни менга узатишди.

Ҳаммалари баробар гапиришгани учун аввал ҳеч нимани англамадим. Стаканни қўлимга олдим. Қарасам лотин алифбосидаги ёзув:

**«TOSHKENT**
**MAXSUS AROQ»**

Рекламаси ўзи билан: сифатли эканини баён қилувчи ёзуви ҳам бор.

Иккинчи стакан бетида қуйидаги ёзув:

**«Необыкновенная водка**
**Ўзбек водкаси 0,5**
**Лучшая водка из Узбекистана**
**Узплодоовощвинпром**
**ассоциацияси ишлаб чиқарган»**

Шунда «МТ»да худди шундай стаканларда сотилаётган ароқлар ҳақида жонкуяр журналист Бекқул Эгамқулов куюниб ёзганлигини эсладим. «МТ» 1997 йил, 18 ноябр «Ичувчиларга ҳам қулайлик керакми?...» Негадир бу танқидий чиқишга жавобга кўзим тушмади. Балки бундай ароқларни чиқараётганлар уни ўқишмагандир? Шунинг учун мен яна шу нарсага қайта эътибор тортишни лозим кўрдим. Аёлларнинг норози бўлганликларича бор. Бундай шинам идишчаларда ароқ чиқаришдан мурод фақат даромадми? Ёки ёшу қарини баробар ароқхўр қилиш йўлидаги бир уринишми? «Бир шишани олишга қурбинг етмаса, марҳамат, бир ютими хизматингга тайёр» демоқчиларми?

Аёллардан бири ҳозиргина кўз ўнгида бўлиб ўтган воқеани гапириб берди. Мактабдан қайтаётган икки ўспирин кўча муйилишида тикка туришиб мана шундай стакандаги ароқни ичишиб, бир-бирларини туртишиб, ирғишлашиб юрганларини ҳикоя қилиб берди. Бошқа бир аёл манави бўш ароқ идишларини мактаб ҳовлисидан топганини айтди.

Қандай қилсак, ёшларимизни ароқ ва бошқа турли оғулар балосидан асраймиз? Миллатнинг зиёнига чўнтак қаппайтираётганларнинг танобини жамоатчилик нега тортиб қўймасин. Ахир, жамоатчилик демократия шароитида жуда катта куч-ку! Миллат сиҳат-саломатлигига путур етказаётган ишлар, хатти-ҳаракатларга индамай қараб ўтирсак, диёнатимиз қаерга етади? Кашандаликка, ичкиликвозликка, гиёҳвандликка қарши кураш бораётган чоқда, наҳотки жамоатчилик лоқайд бўламиз? Ўт кетса бўлмайдими бундай лоқайдликка...

Нега жимсиз ахир, газетхон муштарийлар?

**Холида АҲРОРОВА**

---

## ҚЎРИҚЧИЛАР КИМЛАР?

Муборак газ конлари бошқармасига қарашли «Помуқ» газ худудига бегона машина тугул «ўзга сайёралик»ларнинг кириши-да аслида амри маҳол. Газ, ёқилғи, сув, нефт билан сира ўйнашиб бўлмаслигини мутахассислар яхши тушунишади. Газчилар ҳар қандай бепарволикнинг оқибати вой эканлигини билиб, ишлаб чиқариш майдонларини кўз қорачўғидек қўриқлашади. Лекин баъзан ўз ишига бепарволик панд берса, баъзан нафс ҳакалак отади. Менинг нафсим балодир ёнар ўтга соладир деганларидай, «Помуқ»да ишкал бир синоат бўлиб ўтди.

«Помуқ» газ майдонида инженер-технолог ва тунги смена бошлиғи бўлиб ишлаётган Эшмирза Тожиев 1997 йил 28 мартдан 29-мартга ўтар кечаси, тунги соат бирларда қўриқлаш бўлими ходимлари Ғофиржон Диёров, Поян Боймуродов, Комил Шониёзовлар билан овқатланиб ўтиришган эди. Шунда К. Шониёзовнинг таниши Ҳусайнқул Рустамов ёнилғи сўраб келиб қолди. Пул ҳидини сезиб, кўнгиллари суст кетган шекилли, улар бажараётган вазифаларини суиистеъмол қилиб, Ҳусайнбойга газ конидаги конденсатдан 320 литр ёнилғини пуллашди. «Помуқ» газ конига 3193 сўм 60 тийин зарар етказилди.

Лекин нафси бузиқлар бу ҳолвани ҳали ютиб улгурмай, шу ернинг ўзида етти ухлаб тушларига кирмаган иш рўй берди.

Ҳусайнбой саккиз идишни конденсат газ ёнилғиси билан тўлдиради. Сўнг Москвич-412 русумли 28-65 КФИ давлат рақамли машинасини «таъқиқланган майдон»дан олиб кетиш учун ўт олдиради. Шу жойда парланиб турган конденсат газ портлаб, катта ёнғин чиқади.

Бу ёнғин «Помуқ» газ конига 6400796 сўмга тушди. Нима деймиз буни — масъулиятсизликими, енгилтакликми ё бориб турган аҳмоқлик, каллаварамликми?

«Нафс ёнғини»нинг кичкинаси йўқ. Кўриб турибсиз, у дарров жуда хавфли ёнғин тусини олди ва давлатга катта зарар келтирди.

Қўриқчиларимиз кимлар? Озгина бир нарсага сотилиб кетадиган кимсалар масъулияти улкан жойларда қўриқчи, нозир бўла оладими?

**Фахриддин ЖУМАЕВ,**
**Қашқадарё вилоят прокуратураси бош терговчиси,**
**2-даражали юрист**

# МОЧАЛОВ ҚАҲРИ

## Эсдаликлар

1915 йил бўлса керак. Биз Бешёғоч даҳа Комолон маҳалласидаги ҳовлимизда олти жон яшар эдик. Мен 7-8 ёшлар, акам 9-10 ёшларда эди. Маҳалламизда отам қурдирган катта масжид бўлиб, унинг ҳовлисидаги катта зал мактаб хонаси эди. Ҳамма ўқувчилар (тахминан 50 тача) шу хонада ўқир эдик. Ўқитувчимиз мулла Олим домла ўрта ёшлардаги шу маҳаллалик кимса эди. Залга бўйра тўшалган бўлиб, ўқувчилар шу бўйрада ўтириб, дарсимизни қилар эдик. Домла залнинг бир томонида кўрпачада ўтирар эди. Ўқувчилар навбат билан домла олдига бориб керакли тушунтириш олардилар. Ёз пайтлари дарслар Навза гузаридаги масжид ҳовлисида, Навза ариғи ёнидаги очиқ жойда бўларди. Мулла Олим домла Мунаввар қори қаторидаги кимса бўлганидан, янгичароқ бўлиб, тахта, чоркитобни кўрмаганмиз, қоғозга ҳарфларни ёзиб ўрганганмиз. Акам ҳам мен билан бирга ўқиган, ҳафтада бир марта пайшанбалик деб аталадиган пул ёки бошқа нарса олиб бориб домлага берар эдик.

Шу даврда Тошкентнинг Эскишаҳар қисмининг ҳокими (пристави) Мочалов номли кимса эди. Ҳоким идораси Чорсуда икки қаватли бинода жойлашганди. Ҳоким ёнига уч-тўрт отлиқ миршабни олиб, ўзи миршаблар билан отда шаҳар кўчаларини айланар эди.

Бир кун мен ва акам ўз уйимизга яқин жойда болалар билан ўйнаб юрардик. Узоқдан тўрт-бешта отлиқ миршаблар келар эди. Катта бир амаки болаларга қараб: «Қочинглар, йўлда турманглар, Мочалов келяпти», — деб бизни огоҳлантирди. Лекин ўзи йўлида кетаверди. Отлиқлар биз ўйнаётган жойга яқинлашдилар. Биз четга ўтиб катта йўлни бўшатдик. Улар бизга яқинлашганида акам: «Ана Мочалов», — деди. Шу он отлиқлар тўхтаб «Мочалов» деб ким айтди? — дея дағдаға билан бизга келдилар. Ичимиздан бир бола: «Мана бу айтди», деб акамни кўрсатди. Акам қўрққанидан йиғламсираб: «Бир амаки қочинглар, Мочалов келаяпти, деди-ку», деди. Шу вақт Мочаловнинг ўзи: «Бу кимнинг боласи, қаерда туради, отаси ким?» деб рус тилида сўради. Бир ўзбек миршаб бизга Мочалов сўзини тушунтирди. Болалардан бири шу он «Отаси Норхўжа ака, уйи ана» деб бизнинг уйни кўрсатди. Миршаб «Отанг уйдами?», деб сўради. Акам «отам уйда йўқлар, дўкондалар», деди. Дўконни ҳам қаерда эканини сўрадилар. Шу вақт қўшни амаки чиқиб қолдилар ва миршаблар сўроғига жавоб бердилар. Охирда қўшиб қўйдилар: «Норхўжа ака, маҳалламизнинг элликбошиси, ўзлари шакарпазлик билан шуғулланадилар. Ишхоналари Чорсуда. Асил оқсоқолга тегишли катта иморат қаршисида, Чорси суви бўйида. Нимага керак бўлди? У киши кеч шомда келадилар», деди. Кейин миршаб Мочаловга бир нарсаларни тушунтирди. Уйимизни аниқлаб ҳаммалари кетдилар. Кеч отам ишдан қайтдилар. Лекин ҳеч ким отамга кундузи Мочалов билан бўлган воқеа ҳақида ҳеч нарса демади. Кечаси хуфтонга яқин икки миршаб (бири кундузи кўрганим) эшигимизни тақиллатди. Мен чиқдим. «Отанг келдими?» — деб сўради. Мен «ҳа, ҳозир чақираман», деб уйга кириб отамга айтдим. Отам чиқиб миршаблар билан гаплашиб бўлгач, уйга кириб «Мени зарур иш билан ҳоким чақирибди. Шунга бориб келаман» деб, отлана бошладилар ва икки миршаб билан бирга кетдилар. Онам (кейинги онам): «Нега миршаблар олиб кетди, тинчликмикин?» — деб хавотирда бўлдилар. Шу кун тунда отам қайтмадилар, биз оила аъзолари ҳеч ухлолмадик. Нима қилишни билмаймиз. Эртаси куни онам Чорсига ҳокимни олдига бордилар. Бу кишига ҳеч ким ёрдам бермаган, ҳаттоки ҳокимхонага киргизишмаган. Мен акамни қоралаaдим: «Сен Мочалов деб айтмаганингда яхши бўларди», дедим. Бу сўзни эшитиб ойим: «Ҳамма бало сизлардан экан, нега тинч юрмадингиз. Энди нима қиламиз», — дея йиғлай бошладилар. Уйимиз йиғига айланди. Қаерга бориш, кимга учрашишни билмаймиз, охири учинчи куни пешиндан кейин отам уйга кириб келдилар. Уйимиз севинч, қувончга тўлди. Кечқурун овқат еб бўлгач, ойим отамга қараб «энди уйингиз, бола-чақаларингиз бағрига келдингиз, бу ҳаммамиз учун қувончлидир. Сўрасам мумкинми, нима сабабдан, қандай айб билан сизни уч кун қамадилар. Биз турли хаёлларга бориб қийналдик. Худога шукрки, бағримизга қайтиб келдингиз, илоҳи тинч ва соғ бўлинг», дедилар.

Кейин отам: «Бошимдан шу уч кун ичида ўтган қийналишни сўрама. Биз жаннатда эканмиз-ку, қадрига етмас эканмиз. Подвалда кун кўрдим. Икки кун сўрамай ташлаб қўйди. Учинчи куни чақириб Мочаловни ўзи сўроқ қилди. Айбим нима эканини билмайман деб сўрасам: «Ўйлаб кўр, элликбоши бўлиб бой бўлиб кетибсан-ку, одамлар билан қандай муомала қилиш, амалдорни ҳурмат қилиш ва бу ҳурмат қилишни болаларингга, қўл остингдагиларингга ўргатишни билмайсан. Ёши ўндан ошган ўғлинг мени «Мочалов» дейди. Мен Мочалов эмас, господин Мочаловман. Шундай сўзлашни ҳаммага ўргат», деди. Шундан кейин гуноҳим нима эканини билдим. Ўрнимдан туриб, таъзим қилиб «Кечирасиз, господин Мочалов, мен тегишли чора кўраман. Болаларим, маҳалламдагиларни йўлга солишга ҳаракат қиламан. Болам ёшлик қилган, эшитган сўзини айтган. Бу менинг камчилигим», деди. Мочалов бир миршабни имлаб чақириб бир сўз деди. Тушунмадим. Бир оздан кейин ҳалиги миршаб Мочаловга бир қоғоз келтирди. Мочалов қоғозни менга бериб «Кассага шу пулни тўла» деди. Мен кассага, қўрққанимдан, шу он бориб икки юз сўм тўладим. Яхшики, ёнимда бор экан. Кейин менга кетишга рухсат берди. Икки кун зах, рутубатли подвалда ётиш менга кўп азоб берди», дедилар. Орада икки кун ўтгач, кечқурун икки миршаб келиб отамни яна олиб кетди. Яна қувонч ўрнига ғам, ташвиш эгаллади. Икки кундан кейин пешинда қайтиб келдилар. Бу қамалишнинг сабаби маҳалла чойхонасида отамнинг қамалишлари ҳақида гап бўлган, гўё Мочалов шаънига тегишли, «элликбоши бўлиб шу гапларнинг олдини олмагансан», деб айблаган. Отам ётган подвалда бир камбағал ётган экан. Айби Мочалов миршаблар билан ўтаётганда салом бермай ўз йўлида кета бергани учун қамалган ва ўн кундан бери бесўроқ оч ётар экан. Шуларни отам ойимга айтиб берган эдилар, мен эшитган эдим.

Ўшал даврда миршаблар халққа қўпол муомала қилар, қўрқитишар эди.

Отам 1916 йили 54 ёшида вафот этдилар, мен 8 ёшда эдим.

Биз болалар кўчада ўйнаб юрганимизда миршаб ўтиб қолса ҳаммамиз тумтарақайлаб уйларимизга қочардик.

Ҳозир ўшал болалик давримда кўрган, эшитганларимни эсласам, бир қўрқинчли тушга ўхшайди. У илгари кўрганларимиз тушдек ўтгани абадий бўлсин, то дунё тургунча мустақилликда яшашлик, эрксевар, меҳнаткаш халқимизга ёр бўлсин, омин.

Ҳеч ким етимлик, қарамлик аламини тортмасин.

**Қодир НОРХЎЖАЕВ**

# МЕҲР КЎЗГА ТАШЛАНИБ ТУРАДИ

*Кинопублицистикада янги асарлар пайдо бўлмоқда*

Бир неча кун давомида уч ҳужжатли кинофилмни кўриб, таҳлил қилиб, айрим хулосаларга келдик. Бирини — «Ўтмиш шаҳри»ни «Ўзбекфилм»нинг монтаж залида, иккинчисини — «Хор»ни кинематографчилар уйида, учинчисини — «Тонг юлдузи»ни илмий-оммабоп ва ҳужжатли филмлар студиясида томоша қилиб хурсанд бўлдик. Чунки яқиндагина бу турдаги асарлар аксаран икки томчи сувдай бир-бирларига жуда ўхшаш, бири иккинчисини қайтарадиган, бинобарин, зерикарли, фикран саёз, бадиий тили қашшоқ бўларди.

Аҳамият беринг — янги миллий йўналишларда куртаклаётган асарлар турли студияларда суратга олинган, турли ижодий йўналишларга тааллуқли, услуб жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. «Хор» (режиссёр Даврон Салимов, «Достон» студияси) поэтик асарида ногирон болаларнинг гўзалликка бўлган интилиши, кучли иродаси, ўзаро ҳамжиҳатлиги кинокузатиш ёрдамида очила борса, «Тонг юлдузи»да (режиссёр Шуҳрат Маҳмудов, илмий-оммабоп ва ҳужжатли филмлар студияси) публицистик оҳанг устун туради, илдам ҳикоя ритми, эҳтиросли сўз диққатингизни буюк адиб, мутафаккир Чўлпоннинг ижодига, фожиали тақдирига қаратади. «Ўтмиш шаҳри» (режиссёр Убайдулла Бақоев, «Фохира» студияси, Бухоро) кўҳна шаҳарларимиздан бирини таърифлайди, халқимизнинг удумлари бир-биридан гўзаллигини кўрсатади. Бу уч асарнинг ўз фазилатлари, нуқсонлари, ўзига хос мураккаб тўқимаси бор. Улар учун муштарак нуқталар ҳам мавжуд. Хусусан, ҳар бир кадрда муаллиф, режиссёр ва операторларнинг ўз қаҳрамонларига, суратга туширган юртларига бўлган меҳри кўзга ташланиб туради. Сўзлаш, тинглаш имкониятлари бўлмаган йигитча ва қизалоқлар биргалашиб ашула айтишлари ҳамда шундай ижод дамларида ўзларини бошқа замондошлари билан бир сафда ҳис этишлари, завқланиб, тўлиб-тошиб, етакчи оҳангни илғаб олиб, уни ўзлари ҳам хиргойи қила бошлашлари, фурсат ўтмай, бир овоз билан — ҳайқириқ бир тарзда айтишлари ҳайратга келтиради («Хор»). Ҳис-ҳаяжонини бадиий ифодалай олган, оғир шароитда ҳам ўз масаласига содиқ қолган Чўлпоннинг фотосуратини, ўлмас мисраларини, ҳаёт йўлини тасвирлашда бу ёрқин сиймодан маънавий озиқ олган, уни мадҳ этишни бахт деб билган публицистларнинг меҳри, садоқати сезилиб туради («Тонг юлдузи»). Юртлари билан фахрланадиган ижодкорларнинг фикр-зикрлари Бухоро билан боғлиқ ҳар бир манзара, ҳужжат, қиёфани тасмага муҳрлашларида кўзга ташланиб туради («Ўтмиш шаҳри»). Бундай бадиийликка турли йўл билан эришилганини алоҳида қайд қилиб ўтардик. Темир Малик Юнусов Даврон Салимов билан бирга нафис тасвирни, ёшларнинг ёқимли чеҳралари, юриш-туришлари, ўзаро муносабатлари, ушалмаган орзуларини, айтиладиган сўзга, хиргойи қилинадиган ашулага чанқоқликларини экранда мужассам этишга киришганларида бисотларидаги энг нозик психологик бўёқлардан фойдаланганларини кўрамиз. Аста /намоён бўла борган тасвирда овоз воситалари «жўр» бўлишни бу асарнинг мавзуси, поэтик йўналиши талаб этганини ижодкорлар ҳис этиб турганлар. Шу боис тасвир ва мусиқага, болаларнинг портретларига ҳамда ашулага бой бўлган кадрлар теран фикрга ва ҳис-ҳаяжонга бой кўринди. Бу ўринда баъзан бадиийлик меъёрларига риоя қилинмаганлиги ҳам кўзга ташланади. Ўз қаҳрамонларини севган, уларга объектив ёрдамда «тикилиб» боққан ижодкорларга ҳар бир монтаж жумласи, лавҳа, кадр ниҳоятда қадрли бўлиб кўрингани туфайли айрим ҳолларда қайтариқларга йўл очилганини ҳам кўрдик. «Тонг юлдузи»да ҳикоя мароми, бадиий тўқима ўзгача. У аниқ ҳужжат, фото, эски хроника, муаллиф сўзи кўмагида адибга экран тасвирини бериши талаб этилганди. Шундай бўлди, Чўлпонни шоир ва фуқаро сифатида тиклаш борасида катта хизмат қилаётган профессор Наим Каримов ёзган сценарий ижодий гуруҳни илҳомлантириб, ҳикоя услубини кўрсатиб бергани кўзга ташланади. Шу боис киноочерк ихчам, янги фактларга бой, қизиқарли. Адибнинг фотосуратларидан экранда фойдаланишда кино қонуниятларидан (уни «ҳаракатдаги фотография» дейишларини эсланг) келиб чиқилган. Хроникал кадрлар танқислигига қарамай архивлардан топилган кинолавҳалар бир-бирига янгича улангани — монтаж қилингани туфайли даврга тавсиф бера олганини ҳам айтиб ўтардик. Шу билан бирга кадр ортида ўқилган матндаги теранлик барча ўринда ҳам тасвирда мавжуд, деб бўлмайди. Айниқса, Чўлпоннинг чуқур фалсафий мисралари ўқилганида уларга мос келадиган (ёки уларга қарама-қарши қўйиладиган) кадрлар ижод этилмаганидан афсусландик. Шеърлардаги образлилик, таъсирчанлик, теранлик қандай кадрларга «жўр» бўлиши, уларни тўлдириш ёки улар билан «тўқнашиб» фикр уйғотиши, фожианинг моҳиятини очиши — бу ҳақда бир фикрга, бинобарин ечимга келинмаганини ҳам кўрдик.

«Ўтмиш шаҳри» ҳақида батафсилроқ фикр билдириш керакдир. Зеро, у ёш студиянинг маҳсулоти. Ижодкорларнинг аксарияти кино оламига эндигина кириб келяпти. Лекин Бухоронинг катта тўйи муносабати билан суратга олинган, қисқа муддатда монтаж қилинган, овоз воситалари ила бойитилиб, экранга тақдим этилган бу асарни кўрсангиз, ўша кўҳна шаҳарга бориб, зиёрат қилгандек бўласиз. Режиссёр Убайдулла Бақоев ва оператор Ҳамидулла Ҳасанов шаҳар кўринишларини, ёдгорликларнинг ўзига хослигини, минораларнинг улуғворлигини, нақшларнинг бетакрорлигини таъкидлаб берганлар. Пойи Калон ансамбли ва машҳур Лаби ҳовуз, Қўш мадраса ва Исмоил Сомоний мақбараси турли даврларда бунёд этилган бўлса-да, гўзаллиги, мутаносиблик тамойилларига амал қилиниб турилгани, минора, девор, пештоқлар ҳам бақувватлиги, ҳам нафис бир шакл назарда тутилиб, ижод этилгани яна бир бор ҳайратга келтиради бизни. Оператор қўллаган ракурсли композициялар, ихтиро қилган суратга олиш нуқталари, ўз ўрнида қўллаган панорамалар шаҳарни тўла-тўкис таърифлаб беришга қаратилган.

22 дақиқа давом этадиган филмда бухороликларнинг шойи либоси, заргарларнинг маҳсулоти, бешик тўйининг тафсилотлари, уятчан куёвнинг ўзига ярашган хатти-ҳаракатлари, келинчакнинг шодлигию қайғуси, маърака кунлари устун турган маъюслик, ислом маданиятининг айрим кўринишлари намоён бўла боради. Бу ўринда ижодкорлар суxандон кадр ортида ўқийдиган матндан орқа қилмасдан манзара, воқеа, таомил, ахборотни нафис тасвир ва монтаж йўли билан томошабинга етказишга муваффақ бўлганларини таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга бизга Бухоронинг ўтмиши билан чегараланиб, азим шаҳарнинг бугунги ҳаёти кадр ортида қолганлиги эриш кўринди. Аслида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида ҳикоя қила туриб ҳам ҳозирги илмий қарашлар, юксак ғоя ва меҳнат зарурати ҳақида сўз айтиш, тасвир яратиш мумкин эди. Ёки Файзулла Хўжаевнинг қисқа ҳаёти мисолида Шўролар ҳукуматининг халқимизга, унинг етук зиёлиларига нисбатан қўллаган геноциди оқибатларини таърифлаш мумкин эди. Айниқса бугунги Бухоронинг ўтмишини қайта идрок этган, баҳолаган ҳолда бухороликлар ҳозирги ҳур ҳаёти билан фахрланиши, уни қадрлаши сабабларини экран воситаларида тасвирлаш ўринли бўларди.

Филмнинг драматургиясида изчиллик етишмаслигини, киноҳикоя текис эмаслигини ҳам айтиб ўтардик. Мусиқали безаклар баъзан ўз ўрнида кўринса-да, Бухоронинг мақоми оператор олган кадрларга, режиссёр танлаган монтаж йўлига, маромига ҳам мос келарди деб ўйладик. Афсуски, Фитрат ташаббуси билан ёзиб олинган ва 20-йиллардан бери сақланиб келинаётган ўша куйлар эътибордан четда қолган. Ўтмишдан қолган куй «Ўтмиш шаҳри»ни безаши муқаррар эди...

Мулоҳазаларимни уч ҳужжатли филмни қаерда кўрганимиз ҳақидаги ҳикоя билан бошлаганим бежиз эмас. Уларни томошабин қачон ва қаерда кўради? Телеэкранда! — деб жавоб берар кимдир. Дарҳақиқат, ТВ маълум муддат ўтгач бу асарларни ҳам кўрсатар. Лекин катта экран эстетикасига биноан суратга олинган бундай филмлар кичик экранда ўз фазилатларини йўқотиб қўяди. Эҳтимол қисқа метражли ва ҳужжатли кино асарларининг фестивалини ўтказиб туриш керакдир. Бундай ҳолда ТВ ўзга санъат — кинонинг маҳсулотини эфирга узатиш билан эмас, ўзининг муҳим вазифаларидан бири — асарнинг яратилиши жараёнини кўрсатиб бориши, унинг малакали таҳлилини ўз мухлисларига етказиши мумкин бўларди.

**Ҳамидулла АКБАРОВ**



## БИР НАФАС ТИНДИРМАДИ...

Эй, раббим, нечук сен шайтонга ҳай бермадинг,
Узлатда яшаш учун четроқдан жой бермадинг.
Макон тутмиш бу кун одамлар елкасида,
Шайтонга рай бердинг, аммо халфангга рай бермадинг.
Бу синовинг ё азобинг, билолмайин мен ҳайрон,
Шайтондан қочдим йироқ, елкамга миндирмадим.
Лекин, афсус, баъзи бир шайтонга эш кимсалар
Ўз ҳолимга қўйиб-ай бир лаҳза тиндирмади.

* * *

Юрагим чидагил, бари-барига,
Яхши кунларингга ишониб яша.
Нодон кимсаларнинг хўрликларига
Бардош бер, инжима, орқага ташла.
Балиқ билмаса-да холиқ билгайдир,
Яхшилик қилмоқни шиор қилиб ол.
Начора, номардлар кўксинг тилгайдир,
Аридан заҳармас, ола билгил бол.

### АЁЛ

Бир парча этдан сен даҳо яратдинг,
Бу фоний дунёда баҳо яратдинг.

### ОМОНАТ

Сен омонат, мен омонат, омонатдир бу дунё,
Япроқдаги шудринг мисол муваққатдир бу дунё.

Кимлардир шодлик майини сипқорурлар басма-бас,
Кимларгадур заҳар заққуму ғурбатдир бу дунё.

Фикрат билан ёритурлар етти осмон қатини,
Кимларгадир илму урфон аломатдур бу дунё.

Очилди гул, тўкилди гул, оқибат хок бўлди ул,
Билганим шул: бошдин оёқ синоатдур бу дунё.

Экилдик, ўрилгаймиз, ким пуч бўлур, ким тўқ мағиз,
Деҳқони Аллоҳ эрса гар зироатдур бу дунё.

Санъатига сано айтмоқ учун яратмиш ўзи,
Тиловоту, муножоту ибодатдур бу дунё.

**Момохол ЭЛМУРОДОВА**

**Қамаши**

# БИР ЗАМИНДА ЯШАЙМИЗ

Маҳалла уйлари уйларига туташ, ўйлари-ўйларига вобаста Ватан.

Маҳалла — тўйлари билан тўйлари, куйлари билан куйлари эш бўлган кичик мамлакат.

Маҳалла ташвишларни, қайғу-аламларни бирга баҳам кўрадиган бепоён қалб.

Маҳалла — қувончлари ўртада баҳам кўриладиган дарвозаси очиқ хонадон.

Маҳалла — нуроний отахонлару мўътабар онахонларнинг ҳикматларини ўзида мужассам этган табаррук саховат остонаси.

Маҳалла — чақалоқнинг киндигини кесиб, унинг қулоғига номини айтиб қичқирган меҳрибон доя.

Маҳалла Ватан ичра Ватандир деган эди донолардан бири. Отанг маҳалла, онанг маҳалла деб айтилади халқ мақолларида.

Соҳибқирон Амир Темур мамлакат бирлиги, унинг осойишталигини кўзлаб мўмин мусулмонларни баҳамжиҳат яшашга даъват этди.

Қадимий Шаркда маҳалла тинчлигини бузган ўғрилар, безорилар фаҳшлар, фитначилар эл аро сазойи қилинган.

Маҳалла одобни покиза сақлаган мустаҳкам қўрғон.

Эсингиздами, Солиҳ махдум улғайиб келаётган қизи Раънонинг укалари билан ўйнаб ўтирганини кўриб дашном беради.

«— Уят эмасми! Юз қўлингни юв. Укаларингни бола десам, сен улардан ҳам ошиб тушасан?»

Ва яна Солиҳ махдум дейди:

«— Ишинг бўлмаса, китоб ўқи, ҳуснихат ол: сен кулолнинг қизи эмассанки». Улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидан олинган ушбу иқтибосларда ўзбек оилаларида тарбияга бўлган эътиборнинг бир гўзал намунаси акс этиб турибди. Солиҳ махдум Раънонинг ҳатто ҳовли юзида укаларини ўйнатиб ўтиришини маъқулламайди. Солиҳ махдум тақводор одам. У доимо маҳалланинг нигоҳида. Бинобарин, махдумнинг хонадони ҳам ҳар жиҳатдан ибратли бўлмоғи лозим.

Маҳалла — иффат пардасига ўралган гулзорки, унда Отабеклару Кумушлар, Анвару Раънoларнинг абадий ишқлари барқ уриб туради. Биз ҳамон Кумушбибини соғинамиз. Биз ҳануз Раънонинг изтиробларини қўмсаймиз.

Маҳалла қайтадан бизнинг каломимизга тушди. Биз қайтадан маҳаллалар оғушига қайтдик. Маҳалла бизнинг қувончимизга шерик бўла бошлади. Биз маҳалла номли кичик мамлакатнинг масъулиятини ҳис қилмоқдамиз.

Халқимизнинг тарихий бирлиги унинг олис ўтмишига бориб тақалади. Мустақиллик бизни ягона мақсад йўлида бирлашишга, ўзликни чуқурроқ англашга, меҳр-оқибатни авайлашга даъват этмоқда. Мустақиллигимиз юрт тинчлиги туфайли боқийдир. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилидаёқ мамлакатимизда «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига имзо чекканлиги тарихий воқеа бўлди. Жойларда маҳаллалар иши қайтадан жонланди.

Навоий шаҳрида маҳаллалар барпо этишга астойдил киришилди. Аҳоли ўртасида эътибор топган кишилар маҳаллаларга бошчилик қила бошладилар. Айни пайтда шаҳарда 30та маҳалла ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Шаҳар ҳокимлиги маҳаллалар фаоллигини оширишга катта эътибор бераётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Навоий байналмилал шаҳар. Шу боис шаҳарда турфа урф-одатлар, анъаналар аҳолининг ўзи билан бирга яшайди. Маҳаллани шунинг учун ҳам тарбия масканига, аҳиллик қўрғонига менгзашади. Бу бежиз эмас, албатта.

Навоий шаҳри ҳокимлиги маҳаллаларнинг мавқеини тағин ҳам ошириш имкониятларини қидириб топмоқда.

Ҳокимлик Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Корхоналар тўғрисида»ги қонунларидан келиб чиқадиган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида фуқаролар йиғинлари билан шаҳар корхоналари ҳамкорлиги тўғрисидаги тизимни қайта кўриб чиқди. Шаҳар ҳокимлиги томонидан тавсия этилган низомга кўра ҳар бир фуқаролар йиғинига биттадан корхона ёки тижорат фирмалари бириктириб қўйиладиган бўлди. Шунга кўра оталиқ ташкилотлар маҳаллаларга молиявий маблағлар ва моддий ресурсларни ихтиёрий равишда кўчирадилар. Иш жойларини барпо қилиш ва кичик корхоналар ташкил этишга кўмаклашиб, турли маданий тадбирларни уюштиришга ёрдамлашадилар.

Ватан ичра Ватан... Бизнинг умидларимиз маҳаллада куртак чиқаради, япроқ ёзади, ва ниҳоят гуллайди.

Биз шундай яшаймиз. Шундай яшашга ўрганайлик. Бир-биримизнинг меҳримизни қўмсаб яшайлик, ҳар тонг мана шу муқаррар Ватанни соғиниб қаршилайлик.

**Маҳмуд МАРДИЕВ**

**Навоий**

**МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ**

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0847.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида Исломова
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи — Бектемир ПИРНАФАСОВ

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1997 йил. 30 декабр | 49 (130)-сон

## АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!
## 1998 ЙИЛ УЙЛАРИНГИЗ ФАЙЗУ ФАРОҒАТ БИЛАН ТЎЛСИН!

# ҚАЙДАСИЗ, ҚИШЛОҚ ИНЖЕНЕРЛАРИ!...

### ЕР ҲАМИША БИЗНИНГ ҲУЗУРИМИЗДА

***Қишлоқда ривожланган инфраструктурани барпо этсаккина, қишлоқ хўжалигида. кескин ўзгаришлар юз бериши мумкин, — дейди Президент Ислом Каримов.***

Ер ҳамиша бизнинг ҳузуримизда ва ҳамиша бизнинг оёғимиз остида: Ер Президентимиз айтганидай, ҳамиша тирик жон. Тирик мавжудот. Бизнинг шу тирик жон, тирик мавжудотга муносабатимиз бу — ўзимизга муносабатимиздир. Бизни, инсонларни Яратган қанчалар сарафроз қилганлиги, ардоқлаганлиги, авайлаганлиги, севганлигининг белгисидир.

Ердан узилган ақл йўқ.

Ердан ташқарида қолган ақл ҳам йўқ.

Ақлимиз, маданиятимиз ерга муносабатимизда, унга қандай қарашимизда юзага чиқади, синалади, қодирлик табиатини кўрсатади. Ҳозирги дунёнинг энг фаровон, энг тўкин халқлари, одамлари ерга оқил, ардоқли, авайли муносабатларидан аввал бошда саодат топганлар. Ерни менсимаган, унинг илми ҳикматини билмаган ва билишни истамаган халқлар ҳеч қачон рўшнолик кўрмаганлар.

Ҳар қандай улуғ ва қудратли саноат фақат илғор, етук, ишончли, кордон қишлоқ хўжалиги билан тирик. Қишлоқда хўжалик юксалмагунча ҳеч бир саноат мустаҳкам заминга эга бўлмайди.

Президентимизнинг Олий Мажлис ўнинчи сессиясида қилган улкан ва жиддий маърузасидан чиқадиган илк хулоса шу. Қишлоқ хўжалиги ва умумий миллий деҳқончилик шу кунда шу сўзларга ғоятда эҳтиёжманд эди, шу тавсиялар, шу таклифлар, шу теран таҳлилларга катта муҳтожлик сезар эди. Ўша энг зарур сўзлар айтилди, тавсиялар, қимматли таҳлиллар ўртага ташланди.

Бунда ҳар бир жумла ерга соғлом кўз қараш билан уйғун. Бунда ҳар бир сўз катта бир муаммо билан уйғун, уларни ечишга йўл излаш билан уйғун. Ерга муҳаббат билан уйғун. Ерга муҳаббат, ерни ҳар қандай инсон ризқининг асоси деб билиш эса имон билан уйғун.

КЎЗИМИЗНИ ОЧАЙЛИК, — дейди Ислом Каримов.

Ер оёғимиз остида. Ер бизнинг тарбиямизга муҳтож. Ўзбекистонимизда ишга яроқли аҳолининг қирқ фойизи ва балки ундан ҳам ошиқроғи қишлоқ хўжалик ишларида банд. Энг ривожланган мамлакатларда эса бу рақам тўрт-беш фойизни ташкил этади.

**Замон шарҳлари**

Шунга кўра иш унуми яратилади. Президент ишончли, рад этиб бўлмас рақамлар келтиради. Исроилдек кичкинагина бир мамлакатда ҳар гектар суғориладиган ердан 70 центнергача пахта ҳосили олинади. Ўзбекистондай ерга — унумдор ерларга эга мамлакат қишлоқ хўжалигида пахтанинг ҳосили ўртача 23 центнерга тушиб қолди. Озгина бир нималар билан қаноатланиб, шунга ҳам шукур деб ўтирадиган деҳқонлар учун эҳтимол бундай ҳосил ҳам оз эмасдир. Лекин ўртача жаҳон кўрсаткичлари унинг жуда кам эканлигини кўрсатмоқда.

Ўтган йили жанубий-шарқий ерларимиздаги пахтазорлар, шолизорлар, махсарзорлар, буғдойзорларни кўп айланиб кўрдик. Аксар ўт босган, аксар ола чалпоқ унган, аксар, рамақижон бўлиб ётган, ҳатто махсардай кучли ўсимлик ҳам ёввойи ўтлар тазйиқида қолган майдонларни кўз илғамайди. Баъзан май, июн ойларида сув босган, баъзан аёвсиз қақраган, экинлар қалтираб турган далаларни кўрганда, қани, бу ерларнинг меҳрибонлари, мураббийлари, хўжалари, билимдонлари деб сўрагингиз келади. Буларнинг барининг тагида нима сабаблар ётганлигини Президент бирма-бир қатъият билан очиб кўрсатди. Уларнинг бари ҳақиқат. Сабаблар янада чуқурроқ таҳлил этилса, буларнинг барига аллақандай хафсаласизлик сабаб эмасмикин деб ўйланиб қоласиз. Уруғчиликнинг орқада судралиб қолаётгани, аксар ҳолларда агротехника шартлари, қонун-қоидаларига, илм-амалларига тўла ёки ҳатто қисман риоя этилмаётганлиги, илғор технологиялар жуда ночор ва заиф ўзлаштирилаётганлиги, деҳқонни ўз эркига қўймаслик, унга зарурдан зарур, давлат миқёсида кўрсатиладиган ёрдам, қўллаб-қувватлаш ночор ҳолда эканлиги ... булар ва бошқа кўп сабабларни давлат бошлиғимиз кенг кўздан кечирди ва уларга халқнинг эътиборини қаратди.

Қишлоқ хўжалиги ҳаддан зиёд сертармоқ соҳа. Жуда катта ва жуда жиддий соҳа. Соҳалар ўзаро чамбарчас боғланган. Қишлоқ хўжалигимизни зарур техника, технология, неча турли кимёвий ўғит ва ашёлар, илмий-техник тавсиялар, зарур маслаҳатлар билан таъминлаши керак бўлган инфраструктура бизда қайси аҳволда? Қишлоқ хўжалигида мавжуд Президентимиз санаб кўрсатган барча заифликлар, хафсаласизликларнинг боши ана шу инфраструктуранинг ўта ночор ишлаётганига боғлиқ эмасми? Неча ўн йиллардан бери катта миқёсларда деҳқончилик қиламиз. Экин ерларимизнинг неча ўн йилликлардан бери кузатилган, аниқланган илмий картаси йўқми? Қаерда юзлаб йиллардан бери орттирилган ер илми тажрибалари? Қайси ерга қандай уруғ, қандай кимёвий дорилар, қачон, қанча, қай тартибда берилади? Ойма-ой кунма-кун, ҳафтама-ҳафта экин парвариши тартиблари, суғориш усуллари, сувларимиз, ҳаволаримиз, ерларимизнинг ҳар ерда ўзига хос таркиби ва хулосалари, феъли-атвори, табиати маълумми-йўқми? Ўрганилганми-йўқми? Шуларга амал қилинмоқдами-йўқми? Агротехниклардан сўраляптими-йўқми? Сувчилардан, ер билгичлардан сўраляптими-йўқми? Йилларча орттирилган қимматли ер тажрибалари умумлаштирилганми-йўқми? Умумлаштирилган, уларга риоя этилаётган бўлса, нега Исроилда 70, нега Ўзбекистонда — 23?!

Нега ташландиқ ерлар кўпайиб кетяпти? Чала-ярим ишлов билан кифояланиб қолиш одат тусига кирмоқда? Нега атрофимизда ташландиқ боғлар, қаровсиз боғлар қуриб чакалакка айланаётгани билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди?

Неча ўн йиллардан бери олий ўқув даргоҳларимиз неча минглаб агротехниклар, қишлоқ инженерларини етиштириб келмоқда, олимлар ишламоқда. Қани қишлоқ инженерлари? Қайдасиз, қишлоқ инженерлари? Нега жимсиз? Нега сизнинг овозларингиз эшитилмайди? Ахир мамлакат Президенти очиб ташлаётган муаммолар сиз билан ҳал бўлмайдими?

Ҳа, бугун қайдасиз инженерлар? — деган саволни баралла ҳайқириш зарурга ўхшайди. Ўтган йил бор-йўғи 5 фойиз пахтамиз техника ёрдамида терилган бўлса, зовурлар ўт ва балчиқ билан тўлиб ётган бўлса, оддий агротехника удумлари адо этилмаётган бўлса, ахир бунга инженерлар жавоб бермайдими? Инженерлар даво қилмайдими бу иллатларга?

Қайдасиз ўзи қишлоқ инженерлари? Сизда эмасми қишлоқда тикланиш калити? Қайдасиз ўзи, миллатимиз инженерлари?Ахир энди сиздан эшитайлик!

**Иброҳим ҒАФУРОВ**







## БАҒРИМИЗГА ЯНГИ САОДАТЛИ НАСЛ КИРИБ КЕЛМОҚДА

Биз Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларида «Саодат»хонлар билан учрашиб, журналимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини тинглаш, умуман, Истиқлол боис сони ортиб, сифати ўзгараётган турли нашрлар материаллари юртдошларимиз қалбида қандай акс садо бераётгани билан қизиқдик. Муштарийларимиз биздан нима кутади? Мақсадимиз ўз саволларимизга жавоб топиш эди.

Қайга борсак, дарров одамларнинг кўзларига разм солдик. Майли, ташвиш сувратлари бор, аммо кўзларга қайта жон ина бошлаган эди. Айниқса, Қизилтепа ва Ғиждувон туманларидаги иқтидорли болалар лицейидаги ўсмирлар нигоҳидаги чўғ узоқ вақт хаёлимдан кетмаса керак. Узоқ-яқин қўшни туманлардан, ўз ҳудудларидан танлов йўли билан ўқишга қабул қилинган йигитча, қизчалар чинакам иқтидорли эди.

Ойдин опанинг айтишларича, Қизилтепа дегани олтин тепа дегани экан. Олтинли тупроқда улғайган одамларнинг руҳи бақувват бўлиши илмда бор гап экан. Қизилтепалик истеъдодли болалар бу қонуниятни исботлашга астойдил ҳаракатга киришган кўринади. «Болаларимиз шу қадар дадилки, лицейга ҳавасга келаман. Шу қоракўзлар бизга бошқача бир куч бераяпти, — дейди Қизилтепа тумани маориф бўлими ходими Орзиев. — Худди олийгоҳни тугатган пайтларидагидек илҳом билан ишлайди бу даргоҳда муаллимлар».

Лицей директори Темур Ражабов, ўринбосари Зеби Шамсиева, Акмал Сайфиев, Уйғун (ашулаларга ажойиб мусиқалар басталайдиган бу йигитга Уйғун домла депутат бўлиб, Қизилтепага бориб юрганларида исмларини қўйишган экан) Оллоёров — бари-барининг ўз мактаби болаларига бино қўйганлиги, ишончи зўрлиги сезилиб турибди. Нимаси биландир Чингиз Аҳмаров чизган қадим Шарқ гўзалларини эслатувчи Наргиза исмли раққоса қиз, Матлуба, Норгул, Шаҳло исмли қизчаларнинг қўнғироқ овозлари, Жасур, Феруза, Юлдуз ва исмлари эсимда қолмаган қанча ўсмир ука-сингилларимнинг мағзи тўқ саволлари...

### Қаранг, ким келмоқда?

# БУ КЎЗЛАРГА ИШОНДИК

Савол-жавоб бобида Ғиждувоннинг ҳуқуқ, тил ва адабиётни чуқур ўрганувчи лицейи болалари қизилтепаликлардан ҳам кўра кўпроқ машқини олгани сезилиб турибди.

«Сизни шоир қилган нима?»

«Дарддан гўзал шеър ёзиладими, қувончданми?»

«Саодат»да биз учун махсус саҳифалар бўлса...»

«Бизни биздай қабул қилинг» деган рукн очсангиз...»

Саволлар, таклифлар, бухороча миллий либосларда рақс қилган Навбаҳор, ушоққина жуссали, овози жуссасига салобат берган Анваржон, Нафиса, Мадина, Малоҳат, Дилрабо, Саиджон каби истеъдодли ўқувчилар билан Ғиждувонда вақт қандай ўтганини сезмабмиз.

Олий Мажлис қабул қилган «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури» биздан ҳозиргидан ҳам кўра ортиқроқ куч, масъулият талаб қилади. Майли, муаллимларимиз ишга чанқоқ. Бизга болаларимиз оёққа туриб олишса, эртанинг юкига елка тута оладиган инсонлар бўлишса, бас», — дейди Ғиждувон иқтидорли болалар лицейи директори Саиджон Саидраҳмонов. Директор ўринбосари Абдурашид Ҳасанов эса болалар билан суҳбатлашишга ундайди. Ўз меҳнатлари маҳсулини кўз-кўзлагиси келади.

Қайси соҳада гап очилса, ўқувчилар бемалол мулоқотга киришаяпти. Тарих, адабиёт, ҳуқуқ, информатика...

Бизнинг олдимизда ўзларини имтиҳонга келган ўқувчидай ҳаяжонли сезишаётгани йўқ. Эркин, мустақил. Худди дўсти олдида тургандек.

«Барибир озодлик, озодлик экан-да. Мана, олти йилдаёқ фарзандларимиз руҳиятида сезилаяпти, уларда ҳадик, чўчиш йўқ, суҳбатдошининг кўзига тик қарайди. Насиб қилса, кейинги авлодлар булардан ҳам жасоратлироқ бўлади», — дедик Ойдин опа билан суюнишиб. Юрак кучли бўлса, бас, юракдан қўрқув кетса бас... Ўшандагина миллат ўзлигини намойиш қилишга қурби етади.

...Юлдуздай чақнаган кўзлар... Анчагача шу кўзлар берган умид билан яшаймиз.

**Кутлибека РАҲИМБОЕВА**

## ТУРКИСТОНИМ, ТУРОНИМ

Бу оламда эл кўп, элат кўп,
Турон замин ягона бироқ.
Хоразмий, Беруний юрти,
Тўмарис пок сақлаган тупроқ.

Жаҳонга довруқ солган
Темур — буюк ҳоқоним.
Муқаннанинг имони —
Туркистоним, Туроним.

Сен маърифат қуёши бўлиб,
Зулмат бағрин ёритган зиё.
Яссавийнинг қутлуғ бешиги,
Мир Алишер завқ олган маъво.

Бухорий руҳи кезган
Эй табаррук маконим.
Нақшбандий каъбаси —
Туркистоним, Туроним.

Мирзо Бобур армони, оҳи,
Шоҳ Машрабнинг ноласи, зори.
Дардли Фурқат сиғмаган ўлкам —
Нодиранинг қонли мозори.

Минг бўлакка бўлинган,
Тарқоқ ерим, осмоним.
Низолардан бағри қон
Туркистоним, Туроним.

Дукчи эшон, Шермуҳаммадлар
Сени ёвдан асрай олмади.
Қизил зобит ўқи тегмаган
Маърифатли ўғлинг қолмади.

Сен шаҳид Қодирийсан,
Боту, Фитрат, Чўлпоним.
Эрки топталган диёр —
Туркистоним, Туроним.

Мустақиллик туғини тутдинг,
Бошинг узра эрк қуши Хумо.
Бахти кулган ўзбек халқининг
Ўзлигини тан олди дунё.

Яшнайвер, она-Ватан.
Истиқлол қучган шоним.
Келажаги порлоқ юрт —
Туркистоним, Туроним!

***

Қалбимда бир қўшиқ бор,
Тўкилмаган оҳори.
Шабнам каби буғубор,
Шеъриятим баҳори.
У заҳматкаш,
Қадоқ қўл —
Бободеҳқон ҳақида.
Зангор кенглик.
Мовий кўл —
Ўзбекистон ҳақида.
Илҳом бериб она юрт.
Йўндим мен қалам — созим.
Авж пардада куйлашга
Етармикан овозим...

**Муқим ҚОДИРИЙ**





ДИЛИМИЗНИ МУНАВВАР ЁҒДУЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИБ, МАЪНАВИЙ ДАРВОЗАЛАРИМИЗНИ КЕНГ ОЧИБ РУҲОНИЯТЛИ МОҲИ РАМАЗОН КИРМОҚДА. ҚУТЛУҒ БЎЛСИН ТАШРИФИНГ, СЕНГА ПЕШВОЗ ЧИҚАМИЗ!

ҲИКМАТЛАР УЙИНИНГ УСТОДИ 2-бет

МУХТОРИЯТ ҒОЯСИ: тарихи амалга ошиши, ҳалокати 3-бет

«ҚАНДАЙ МАЪСУМ, ЭРКА БУ ЧОҚЛАР...» 4-бет

РАССОМ ХАНДАСИ



# ҲИКМАТЛАР УЙИНИНГ УСТОДИ

Узоқ асрлар давомида тараққий топган тафаккур маҳсуллари халқимизнинг том маънодаги бебаҳо бойликларидир. Аҳмад Фарғоний ана шундай мерос қолдирган алломалардан бири. У ўрта асрнинг йирик қомусчи олимлари Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби улуғ зотлар сафидан ўрин олган.

Аҳмад Фарғоний ўз лақабидан ҳам маълум бўлиб турибдики, Фарғона ўлкасидан чиққан. Унинг илмий фаолияти Бағдод шаҳарида кечди. Вафоти IX асрнинг иккинчи ярмида 247/861 йилдан кейин деб ҳисобланади. Аҳмад Фарғоний Бағдодда ташкил топган «Байтул ҳикма» («Ҳикматлар уйи») деб аталмиш машҳур илм даргоҳида бош ўрин эгаллаган олимлардан эди.

VIII аср давомида Фарғона ўлкаси араб истилочилари томонидан забт этилди. 775-85-йиллари маҳаллий аҳолининг қўзғолонлари истилочилар томонидан бостирилгандан кейин Фарғона водийси араб халифалигининг Шарқдаги энг охирги ери бўлиб қолди. Ўш яқинида қурилган робот устидан ислом жангчилари ҳали бўйсунмаган кўчманчи халқларнинг ҳаракатларини хавотирлик билан кузатиб борар эдилар.

Аҳмад ибн Муҳаммад Фарғоний дунёга келган вақтда Фарғона ўлкасидаги аҳвол ана шундай эди. 819-20-йиллари араб халифаси Маъмун Фарғонани маркази Бухорода бўлган давлат таркибига ўтказди.

Аҳмад Фарғоний бошланғич маълумотни ўз туғилган ўлкасида олди. Унинг зеҳни ўткир, билимга ташна, ижодга берилган эканлиги ёшлигиданоқ кўзга ташланган эди.

Шунинг учун Аҳмад ёшлик пайтида халифаликнинг маркази Бағдод шаҳрига келди. Бу ердаги кўп сонли мадрасалардаги улуғ мударрисларнинг дарсларини тинглади.

VIII асрнинг охири IX асрнинг бошларида араб халифалигини Ҳорун ар Рашид (786-809) ва унинг ўғли Маъмун (813-833) бошқарган вақтларида Бағдодда кучли бир илмий даргоҳ ташкил топган эди. Уни «Байтул ҳикма» («Ҳикматлар уйи») деб атаганлар. Бизнинг ҳозирги тушунчамизга кўра у Фанлар Академиясига тўғри келади. Унда халифаликнинг турли томонларидан келган олимлар жам бўлганлар. Халифа Маъмун «Байтул ҳикма»нинг фаолияти учун зарур маблағларни тўла ажратиб берган.

Бу ерда илмий тадқиқотлар, таржималар ва бошқа хил ижодий ишлар ривож топган.

Аҳмад Фарғоний Бағдоддаги таҳсил йилларида астрономия илмини алоҳида меҳр билан ўрганди. Бу давр олимларининг астрономияга оид асарларини ўқиб чиқиб, ўзи ҳам шундай асар яратмоққа бел боғлади. Аҳмад яна математика, география, мантиқ, илоҳиёт, фалсафа, тилшунослик каби илмларни эгаллади. Юнон тилини ўрганди. Юнон олимларининг айрим асарларини араб тилига таржима қилмоққа уринди. Лекин кўнгли астрономия илмига берилган эди. Шунинг учун у астрономик кузатиш натижаларини аниқловчи асбоб — устурлоб тўғрисида бир асар ёзди. Бу асар «Китоб ул комил лил Фарғоний фи устурлоб» («Ал-Фарғонийнинг устурлоб тўғрисидаги тўла китоби») деб аталади (Бу китобнинг уч қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган).

Шундан кейин Аҳмад Фарғоний Бағдоддаги катта илм маркази «Байтул ҳикма»га ишга олинди. Бу илм даргоҳини хоразмлик улуғ аллома Муҳаммад Мусо Хоразмий бошқарар эди. Бу ерда олимлар кўп илмий асарларни юнон ва паҳлавий тилларидан араб тилига таржима қилишар; яна юнон ва ҳинд илмига оид тадқиқотларни амалга оширишар эди. Шунингдек ҳинд билимларидан тиб, ҳисоб, жабр фанларига оидлари ҳам ўрганилар эди. Сўнг «Байтул ҳикма»даги араб тилига ўтказилган ҳинд илми асарлари лотин тилига таржима қилинган, юнонларга ва Европага етказилган.

Юнон олимларининг астрономияга оид асарлари бу ерда алоҳида тадқиқ этилган.

«Байтул ҳикма»да Батлимус (Птоломей)нинг астрономияга оид машҳур асари «Ал-мажастий»ни юнон тилидан араб тилига таржима қилишда Фарғоний фаол иштирок этган. «Ал-мажастий» ўттиз бобдан иборат. Аҳмад Фарғоний бу китобнинг ҳар бир бобига алоҳида шарҳ ёзиб чиқди. Шарҳлар ҳам ўттизта бўлди. Шунинг учун Фарғоний бу асарига «Рисолатул фусул мадхал фил Мажастий ва ҳува салсул фослан» деб от қўйди («Ал-мажастийнинг бобларига кириш рисоласи. У ўттиз бобдан иборат).

Батлимус қаламига мансуб «География» китоби ҳам юнон тилидан араб тилига таржима қилинди. Шундай қилиб, «Байтул ҳикма»да муқим ўрганиб ва тадқиқ этиб келинаётган эрон ва ҳинд билимлари қаторига юнон билимлари ҳам қўшила борди. Бу янги илмий йўналишни вужудга келтиришда Муҳаммад Мусо Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний каби олимларнинг хизмати каттадир.

«Байтул ҳикма» олимлари халифаликдаги илмий-ташкилий ишларда ҳам фаол иштирок этар эдилар. Аҳмад Фарғоний ўз ҳамкасблари Яъқуб Киндий ва Жоҳизлар билан бирга Румга сафар қилди. Улар Румнинг барча катта шаҳарларида бўлиб, у ерлардаги кўп кутубхоналар билан танишдилар. Қимматли китоблардан нусхалар кўчирдилар. Батлимуснинг «Ал-мажастий» ва «География» китоблари ҳам ўша сафардан сўнг Бағдодга келтирилган эди.

Бағдодда Аҳмад Фарғоний мадрасада астрономиядан дарс берар, ёш толиби илмларда илмга ҳавас ва муҳаббатни тарбиялар эди.

213/833 йили тахтга халифа Муътасим чиқди. Халифа Муътасим Бағдод яқинидаги Шаммасия ва Дамашқ ёнидаги Кассиюн тоғида икки расадхона қурдирадиган бўлди. Расадхоналар қурилишининг бошчилиги Аҳмад Фарғонийга топширилди. Тез фурсатда бу расадхоналар олим бошчилигида қуриб битказилиб ишга тушириб юборилди.

Айни замонда Фарғоний илмий ишларини ҳам жадал олиб борар эди. У «Байтул ҳикма»да 217/832 нчи йили тузиб туғаллаган «Аз-зижул Маъмун ал-мумтаҳан» («Текшириб чиқилган Маъмун жадвали») асарини тузишда фаол қатнашди. Бу жадвалда астрономия ва географияга оид маълумотлар жамланган. Сўнг Аҳмад Фарғоний ўзининг «Китоб ул ҳаракот ас самовийа ва жавомеъ илм ан-нужум» («Осмон жисмлари ҳаракати ва юлдузлар тўғрисидаги билимлар йиғиндиси») асарини яратди. Унда астрономияга оид билимлар жамланган. У яна устурлоб тўғрисидаги янги асарини ёзди.

Бундан ташқари астрономик асбобларда мармардан фойдаланишга оид «Китоби амалир раҳомат» асарини, Ойнинг ҳаракатига оид «Рисола фи маърифат ал-авқот, аллатий йакунул қамар фиҳо вафқ арз ав таҳтиҳо» («Ой ер устида ёки остида бўлган пайтларини ўрганиш ҳақида рисола») асарларини яратди.

ФАРҒОНИЙ ВА БЕРУНИЙ. Ўрта асрнинг улуғ алломаларидан бири Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўзидан юз йил бурун яшаб ижод этган фарғоналик олим Аҳмад Фарғонийнинг илмий меросини ўрганишга катта аҳамият берган, унинг илмий хулосаларига ўз муносабатини билдирган.

Абу Райҳон Беруний ўзи ёзган асарларининг рўйхатини тузган. Бу рўйхат Берунийнинг 1000 нчи йилда ёзиб тугаллаган «Ўтмиш ёдгорликлари» китобининг нашрида (Лейпциг, 1878) бор. Уни араб тилидан ўзбек тилига Абдуфаттоҳ Расулов таржима қилганлар. Бу таржима «Беруний» тўпламида нашр қилинган (Тошкент. «Фан», 1973. с. 230-243).

Бу рўйхатда Беруний ўз асарларини фан соҳалари бўйича тақсимлаб чиққан. Бу рўйхатдаги астрономияга оид асарлар орасида Беруний «Таҳзиби фусул ал-Фарғоний» (Ал-Фарғонийнинг «Фусул»ини тозалаш») деган асар ёзганини хабар қилади. Бу далил Абу Райҳон Берунийнинг устоз Аҳмад Фарғоний илмий меросини қанчалар синчиклаб ўрганганидан далолат беради. Чунки Фарғонийнинг асари тўғрисида махсус китоб яратмоқ аввало уни тўла ўқиб чиқиб уқиб олмоқни тақозо қилмоғи табиийдир. Бу асарнинг ҳажми 200 варақ.

Абу Райҳон Беруний устурлоб қуролини тайёрлаш тўғрисида сўз юритади. Маълумки, Фарғоний устурлоб асбоби устида кўп ишлаган, бу тўғрида махсус китоблар ёзган эди. Беруний Фарғонийнинг бу ишлари тўғрисида ўз фикрини билдириб ўтади. У ёзади: «Гоҳо сфорадаги суратни бошқа бир йўл билан сатҳга кўчириш мумкин бўлади. Абул Аббос ал-Фарғоний ўзининг «ал-Комил» исмли китобининг бир неча жойида бу йўлни Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Киндийга ва бир мунча жойида Холид ибн Абдумалик ал-Марварродийга нисбат берган. «Мубаттаҳ» — яссиланган деб аталувчи устурлоб шудир.

Шундан сўнг Абу Райҳон Беруний мубаттаҳ устурлобга муносабатда икки гуруҳ билимдонлар борлигини айтади. Улардан бири мустамжин, бошқаси мустаҳсиндирлар. Берунийнинг ёзишича, Аҳмад ибн Муҳаммад Фарғоний мустамжин гуруҳига мансуб. Бу гуруҳ устурлобнинг маълум бир кўринишини тўла рад қилганлар. Мустаҳсин гуруҳи эса аксинча. Улар ўша турдаги устурлобнинг айрим камчилигини эътироф этган ҳолда уни ёқлайдилар.

Беруний ўзини учинчи гуруҳга мансублигини айтади.

Абу Райҳон Беруний мубаттаҳ устурлобни ал-Фарғоний рад қилиб китоб ёзганини хабар қилади. Бу китобда ал-Фарғоний асосан цилиндрик проекцияга оид тушунчаларни рад қилган.

Абу Райҳон Беруний бу масалада Фарғоний билан ҳамфикр. Ҳатто Беруний бу ҳодисани тастиҳ деб атаганини, уни Фарғонийдан олдин (яъни унинг асари билан танишмасдан аввал ҳам) билганини айтади.

Ўзбекистон олимлари улуғ аллома Аҳмад Фарғоний илмий меросини чуқур ўрганмоқ, унинг фан оламига қўшган бойликларини кенг ташвиқ этмоқни ўз шарафли бурчи деб биладилар.

**Азиз ҚАЮМОВ,**
**академик**

*Оила мартабаси*

# ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ НОЗИК БИР ҚИРРАСИ

## КЎЛАМ ВА МУАММОЛАР

Ўзбекистоннинг сиёсий мустақилликка эга бўлиши республикага хос бениҳоя мураккаб социал-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга катта имкониятлар яратиб берди. Уларнинг ичида демографик ривожланиш энг муҳим муаммолардан бири сифатида тан олинади.

Ўзбекистон миллий аҳоли сиёсатини давлат социал сиёсатининг узвий бир қисми сифатида таҳлил этиш ўринли. Маълумки, республика Президенти И. А. Каримов томонидан Ўзбекистон миллий социал-иқтисодий сиёсатининг илмий-амалий асослари ишлаб чиқилди. Бозор иқтисоди муносабатларига ўтишнинг беш принципи илгари сурилди. Принципларнинг бири Ўзбекистонда шаклланган демографик вазият билан тўғридан-тўғри боғланган бўлиб у қуйидагича ифодаланади: «Ўзбекистон миллий аҳоли сиёсати республикадаги ҳозирги демографик вазиятни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш асосида тайёрланмоқда. Бунда демографик вазият нафақат аҳоли сонининг тадрижий ўзгаришини, унинг манбаларини (табиий ва миграцион ҳаракат), балки аҳолининг социал-демографик ва миллий таркибини, унинг бандлик хусусиятларини, урбанизациялашганлик даражасини ва шунга ўхшаш жиҳатларини ифодаловчи кенг социал географик категория сифатида тушунилади».

Демографик вазият таҳлилига мана шундай мажмуали ёндашиш уни иқтисодий, географик, социал ва сиёсий жараёнлар билан узвий боғли ҳолда тарихий тараққиёт микёсида ўрганишга ҳамда ушбу вазиятни яхшилаш йўлларини илмий асослашга имкон беради. Бунда миллий аҳоли сиёсати илмий тавсиялар тизимлари асосида амалга оширилади.

Шу билан бирга, аҳоли сиёсати макротизимли ёндашувда миллий сиёсат, иқтисодий сиёсат, ташқи иқтисодий алоқалар ва халқаро муносабатлар сиёсати, ҳарбий сиёсат, таълимий сиёсат ва бошқа сиёсатлардан ташкил топган Ўзбекистон миллий сиёсатининг узвий бўлаги ҳисобланади.

Мазкур катта тизимда аҳоли сиёсати алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки, унинг диққат марказида инсон туради. Бунда Ўзбекистон миллий сиёсатининг стратегик мақсади бўлиб республиканинг миллий қайта тикланиши ҳисобланса, аҳоли сиёсатининг асосий мақсадини унинг сифатли ривожланиши ташкил этади.

«Аҳоли сифати» тушунчаси чуқур маънога эга бўлиб, у қатор кўрсаткичлардан иборат. Уларнинг энг муҳимларини қуйидагилар ташкил этади:

— аҳоли саломатлигининг ҳолати, болалар ва оналар ўлими, ўртача умр даври ва ҳоказо;
— аҳолининг таълимий даражаси ва унинг таркиби;
— аҳолининг касб-ҳунарга тайёргарлигининг даражаси;
— аҳолининг социал-таркиби ва социал мобиллиги;
— аҳолининг урбанизациялашганлиги;
— аҳолининг ҳудудий ҳаракати;
— халқнинг маънавий, миллий-маданий қадриятлари ва уларни сақлаш ва эъзозлаш.

Ўзбекистон аҳолисининг мана шу кўрсаткичлар нуқтаи назаридан холис таҳлили республикада ўтмишдан «мерос» бўлиб қолган жиддий муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда болалар ва оналар ўртасида ўлим ўртача умр даврининг қисқариши анча жиддий муаммо бўлиб турмоқда.

Республика аҳолисининг урбанизация даражаси паст, унинг социал таркиби деярли бир хил. Қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган аҳолининг улуши устун. Туб миллат вакиллари қаторида индустриал соҳа ишчиларининг салмоғи кам. Бу истибдод йиллари республиканинг урбанизациялашиши ва саноат ривожланиши авваломбор четдан келтирилган иш тутиш ҳисобига амалга оширилганлигининг натижасидир. Ўзбекистон аҳолисининг сифатли ривожланиши фақат илмий асосланган миллий аҳоли асосида таъминланиши мумкин.

Республика миллий аҳоли сиёсати қатор мустақил, лекин бир- бири билан узвий боғланган бўғимлардан ташкил топиб, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

— **миллий демографик сиёсат:** она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга, ўртача умрни кўтаришга, оқибат-натижада миллат саломатлигини яхшилашга қаратилган;

— **миллий аҳоли миграцияси сиёсати:** республика туб аҳолиси ҳудудий ҳаракатини жонлантиришга ва ташқи миграция параметрларини бошқаришга йўналтирилган;

— **миллий урбанизация сиёсати:** унинг асосий вазифаси, миллий хусусиятлари, оила турмуш тарзини, халқ анъаналарини ҳисобга олган ҳолда туб аҳолининг урбанизациялашганлик даражасини кўтариш ташкил этади;

— **миллий аҳоли бандлиги сиёсати:** ишсизликни бартараф этишга, аҳоли бандлигининг таркибини яхшилашга, янги юқори технологиялар бўйича миллий ишчилар ва мутахассисларни тайёрлашга ва бошқаларга қаратилган.

Биз Ўзбекистон миллий аҳоли сиёсатининг илмий принципларини ифодаладик. Улар мустақил, суверен бўлган мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган шароитда давлатнинг расмий сиёсатида ўз аксини топмоқда.

**Озод ОТА-МИРЗАЕВ,**
**профессор**

*Халқ бой — Ватан бой*

# ТАДБИРКОР МАДАД ОЛГАЧ...

Андижон вилояти ҳокимлиги қошидаги «Бизнес-Фонд» бошқармаси тадбиркор ва ишбилармонларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаб, уларнинг фаолиятини фойдали ишларга йўналтирмоқда. Шунинг оқибатида халқ ичидан чиққан тадбиркор ва ишбилармонлар ички бозорларни тўлдириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Республикамизда бозор муносабатларига ўтиш шиддат билан давом этаётган бир пайтда ҳар бир меҳнат жамоаси ўз ишларини бозор шароитига мослаб, унинг талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Бошқарма ходимлари Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси фармон ва қарорлараини бажариш учун жон куйдираётган фидойи кишиларга яқиндан ёрдам бермоқда.

Шу йилнинг ўн бир ойида 24 мулкдорга 34 миллион 700 минг сўм имтиёзли кредит лимитини очди. Бунинг натижасида 1300 га яқин ишчи ўринлари яратилди, қўшимча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Мулкдорларнинг асосий қисми қишлоқларда бўлиб, улар ҳозир диққат-эътиборни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларини кўпайтиришга қаратганлар.

Кредит олган кўплаб корхоналар маблағлардан тўғри фойдаланиб, аҳоли эҳтиёжлари учун турли истеъмол молларини сифатли қилиб ишлаб чиқармоқда. Андижон шаҳридаги «Ўзбек-Холдинг», «Зуҳриддин ҳожи», «Хумо» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Андижон туманидаги «Лаъл», Олтинкўлдаги «Давр», Жалақудуқ шаҳарчасидаги «Чашма», Шаҳрихондаги «Малик» сингари корхоналар ибратли фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят шаҳар ва туманларидаги ўнлаб фирмалар меҳнат фаолияти ҳам мақтовга сазовор. «Афзал», «Камолот-21», «Байналмилал», «Мустақил» фермер хўжаликлари кредитлардан тўғри фойдаланиб, ўз молиявий аҳволларини мустаҳкамлаб олдилар. Андижон туманидаги «Усмон ҳожи» деҳқон-фермер хўжалиги 8 соатда 10 тонна сутни қайта ишлайдиган завод қуриб, фойдаланишга топширди. Шу кеча-кундузда 13 хил маҳсулот тайёрлаб, меҳнаткашлар дастурхонига тортиқ қилмоқда. Касалхоналар, болалар боғчалари бу корхона маҳсулоти сифатидан мамнун. Андижон шаҳрининг «Оқёр» даҳасидаги сут-қатиқ дўкони кунига 750-800 минг сўмлик маҳсулот сотмоқда.

Кредит олган корхоналар салкам 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бир миллион сўмликдан зиёд маиший хизмат кўрсатилди. «Андижон» хусусий фирмаси 3 миллион сўмликдан ортиқ, «Юксалиш» фирмасида 6 та ишчи ўрни яратилиб, бир миллион сўмлик, ёки ҳар бир ишловчи ҳисобига 167 минг сўмлик сифатли маиший, «Медсервис» хусусий фирмасида эса 265 минг сўмликдан медицина хизмати кўрсатилди.

— Лекин ютуқлар соясида яшириниб ётган нуқсонларимиз ҳам бор, — дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари О. Халилов. — Кредит олган ҳамма тадбиркорлар ҳам ундан ўринли фойдаланмаётирлар. Булоқбоши туманидаги «Бахт» корхонаси имтиёзли кредит маблағни бошқа мақсадларга сарфлаб юборган. Андижон шаҳридаги «Наргиза» корхонаси эса ўз йўналишини ўзгартириб, чорва моллари ва ем-хашак сотиб олишга ишлатиб юборган. Бу билан имтиёзли кредитдан фойдаланиш қоидасини бузган. Уларга иккинчи марта имтиёзли кредит берилмайди.

Сўнгги ойларда ҳукуматимиз томонидан тадбиркор ва ишбилармонларга алоҳида енгилликлар берилмоқда. Бу ғамхўрликни кредитлар устама фоизини 1-10 фойизгача камайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларидан ҳам кўриш мумкин. Вилоят бўйича 74 нафар ишбилармон ана шу янги енгилликлардан баҳраманд бўлдилар.

«Бизнес-Фонд» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бўлгани учун ҳам аҳолининг бўш турган маблағларини ҳаракатга келтириш ва унинг фойдасидан маблағ эгаларини манфаатдор қилиш мақсадини кўзлаб 250 миллион сўмлик акциялар чиқарди. Бу қиммат баҳоли қоғозларни юридик ва жисмоний шахслар сотиб олмоқдалар. Имтиёзли кредитлар ва сотиб олган акцияларидан тўпланган маблағлар вилоят халқини бой қилишга Аллоҳ насиб этсин.

Тадбиркорлар олган мадад уларнинг молиявий қувватини оширишга, ишловчилар иқтисодиётини, турмуш шароитини яхшилашга, бозорларимизни сифатли халқ истеъмоли моллари билан тўлдиришга хизмат қилсин.

**Ваҳобжон ДАДАБОЕВ**

*Эл кўзидаги кишилар*

# ИШЛАГАН ОДАМ НАВҚИРОН

***«Ишлаган одам ҳамиша навқирон. Баъзан менга шундай туюладики, эҳтимол, меҳнат ҳаёт қувватини оширадиган қандайдир махсус гармон ишлаб чиқараётган бўлиши ҳам мумкин».***

***Н. Н. БУРДЕНКО***

Илм-фанга ўзини бағишлаган кишиларнинг меҳнатини, истеъдодини, умрини олмосга қиёслашади. Чунки, юксак иқтидор эгалари ўзларидан олмос каби нур таратиб, оламга, кишиларга илм ва яхшилик зиёсини сингдирадилар. Бу эса, олмос қиёсли ноёб қобилиятли кишиларга яратган томонидан инъом этилган бебаҳо бойликдир.

Замондошларимиз орасида ҳам худди шундай фидокор истеъдод эгалари борки, улар олмос мисол фаолият қирраларининг сўнмас нурларини ўз халқи ва Ватанининг келажаги йўлида улуғ мақсадларга томон қаратган бўладилар. Бундай фидойи инсонлар кунларни тунларга улаб бўлса-да, илм-фан йўлида заҳмат чекавердилар. Игна билан қудуқ қазишдек масъулиятли йўлда юксалиб бораверадилар. Ана шундай инсонлардан бири, таниқли олим, фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Қўчқор Хоназаровдир.

Асримиз 20-йилларнинг бошида, Тошкент шаҳрининг Минор-Янги шаҳар маҳалласида таваллуд топган Қ. Хоназаров 1939 йилда ўрта Осиё молия-иқтисод институтининг ишчилар факултетини тамомлагач, ўз тенгдошлари қатори суронли уруш йилларида қонли жангларда қатнашиб, оддий аскарликдан рота командирлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Душман билан бўлган жангларда бир неча бор яраланди.

Урушдан сўнг, 1945 йилда Москва Давлат Халқаро муносабатлар институтига Ўзбекистондан 5 йигит қабул қилинди. Булар орасида Қ. Хоназаров ҳам бор эди. 1950 йилда, мазкур институтни муваффақиятли тамомлаб, Москва Давлат Университети фалсафа факултетининг аспирантурасига қабул қилинди.

1953 йилда номзодлик ишини, орадан 10 йил ўтгач, 1963 йилда докторлик ишини ҳимоя қилади. Ва Ўзбекистон файласуфлари орасида учинчи (Воҳид Зоҳидов, И. Мўминовлардан кейин) фан доктори унвонига сазовор бўлди.

К. Хоназаров ўзининг бутун илмий фаолиятини фалсафа фанида энг нозик масала бўлган тил, миллат, миллатлараро муносабатлар масаласига бағишлади. У ўзининг асарларида Сталиннинг миллатлар ва миллий тилларнинг қўшилиб кетиши ҳақидаги «назария»си илмий жиҳатдан хато эканлигини, миллий тилларни камситиш ва уларга путур етказиш миллий сиёсатга хилоф эканлигини ва, айни пайтда, халқаро иқтисодий, илмий, техникавий алоқалар такомиллашиб боргани сари, миллий тиллар билан бир қаторда халқаро жаҳон тиллари кенг истеъмолга кириб бориши муқаррарлигини исботлаб берди.

Афсуски, олимнинг мазкур масалалар бўйича ўз вақтида ўртага ташлаган тавсия ва таклифлари катта қаршиликларга учради, айрим ҳолларда эса эътиборга олинмади.

Мустақиллик ижтимоий-иқтисодий ҳаётга мустабид тузум даврида ўз фикримизни билдира олмаган айрим муаммолар юзасидан фикр юргизиш имкониятини ва заруратини келтириб чиқарди. Бу имкониятдан фойдаланган устоз шу кунларда миллий масалаларнинг ажралмас қисми бўлган миллий ғурур, миллий ўз-ўзини англаш, миллий онг, миллий руҳиятига доир масалалар устида ишлаб, матбуотда шу масалаларга оид рисола ва илмий мақолалар эълон қилмоқдалар.

Юқоридаги масалаларга доир Қ. Хоназаровнинг 300 га яқин турли тилларда асарлари эълон қилинган. Унинг асарлари ўзбек, рус, инглиз, француз, олмон, ветнам, латиш, украин, татар, туркман, қирғиз ва монгол тилларида босилган.

Қ. Хоназаров ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг директори, ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, Ўзбек энциклопедияси Бош таҳририятининг Бош муҳаррири каби лавозимларда ишлаб келган.

Танти табиат бу инсонга беқиёс истеъдод, камтарлик, ширинсуханлик, одамохунлик ва шу билан бирга кенг феъллик каби хислатларини ато этганки, бу хислатлар эндигина илмга атак-чечак қилиб кириб келаётган ёшларни ўзига оҳанграбодек тортади. Домла 10 дан ортиқ фан докторлари, 30 га яқин фан номзодларини тайёрлаб, уларни илм-фан бўстонига «учирма» қилдики, улар ҳозирги кунда нафақат Ўзбекистонда балки бошқа минтақаларда ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар.

Инсонда тафаккур булоқлари тиниқ бўлгандагина у бутун борлиғини тўла намоён қилади. Камтарин ва зукко инсон Қ. Хоназаров ҳам бугунги кунда илмий ва ижодий иш билан биргаликда ўз тафаккур нури булоқларидан ёшларни баҳраманд қилмоқда.

Инсон ақл-идрокининг беқиёс куч-қудратига ҳайрон қоласан киши. Сизу биз ана шундай инсонлар орасида яшаймиз. Уларнинг борлигига минг бора шукроналар айтгимиз келади. Ҳа, бугун билимдон ва меҳри дарё, тиниб-тинчимас устозимиз ўзининг муборак 75 ёшини қаршиламоқда. У киши айни ижод ва камолот палласида. Умр оқар дарё, дейдилар, кўз очиб юмгунча йиллар ўтаверади. Аммо инсон фойдали мақсадлар сари интилади, елиб-югуради. Ниятлар эл-юрт манфаатига эш бўлса, умр мазмунли, файзли бўлади. Дарҳақиқат, домланинг ҳам ниятлари илм-фан равнақини, ёшларимиз келажагини порлоқ кўришдан иборат.

**Абай ВАЛИЕВ,**
**ЎзР ФА мухбир аъзоси, профессор;**
**Мавлуда БЎРИЕВА,**
**Манзура ХОЛМАТОВА**

Рассом хандаси




Рассом А. ҲАКИМОВ.